

Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат Педагогика институти
“Бошланғич ва мактабгача таълим” факультети “мактабгача таълим”
кафедраси маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича
№ 9 – сонли баённомаси.

3.10.2019 йил.

Қатнашдилар: Каф.мудир. Абдуллаев А.А., доцентлар Хурвалиева Т.Л, катта ўқитувчилар: Жўрабоев А.Б, Тешабаева З. С, Гайназарова Г.А., ўқитувчилар: Хуррамов Э.Э, Болиева Л.Ш, Шоназирова З.Ю, Казоқов Р.Т, Муталова Д.И, Насирова З.Х, Юсупова Р.И, Қирғизбаева М. К, Колосова Е. Г.,

КУН ТАРТИБИ:

- 1.“Олий таълим муассасасининг одоб-ахлоқ қоидалари” – Этические правила высшего образовательного учреждения”нинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган маърифий тадбирларни ўтказиш;
- 2.“Одоб-ахлоқ қоидалари” мазмун-моҳиятини акс эттирувчи видеофильм тарғиботини йўлга қўйиш;

Эшитилди: Мактабгача таълим кафедраси мудир А.А.Абдуллаев Халқимиз қадимдан ахлоқ ва одобда бутун оламга ўрнак ва намуна бўлиб келган. Ота боболаримиз бизларга омонат қилиб қолдирган бу юксак маънавий меросимизни биз ҳам келажак авлодга покиза ҳолда қолдириш учун масъуллигимизни унутмаслигимиз керак. Акс ҳолда бизларни келажак авлод кечирмагай.

Ана шу ниятда ахлоқ ва одобга оид сўз очишга жазм қилдим. Шоядки ёшларимизнинг хулқига ижобий таъсир кўрсата олсак. Бунинг учун эса, менимча, аввало ўзимиз ибрат бўлишимиз керак.Айтиш мумкинки, инсонларни бошқа ҳайвонлардан ажратиб тургувчи хислатларидан бири одобдир. Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи “Адабул муфрад” китобларида одобнинг таърифида шундай деганлар: “Одоб барча яхши ва эзгу хислатларни ўз ичига олади. "Адаб" - чақирмоқ маъносида бўлиб, кишиларни яхшиликка чақиргани, ёмонликдан қайтаргани учун шу хислат "одоб", деб аталган”

Яна ўша китобда Валид ибн Нумайр разияллоху анхудан ривоят қилинишича ўтмиш кишилар болаларнинг солиҳ бўлишлари Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан бўлади, аммо уларга одоб ўргатиш оталари вазифасидир, деганлар. Шундан сўнг кафедра ўқитувчиси сўзга чиқди

Сўзга чиқди: Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси: Р.Т.Казоқов. Ризоуддин ибн Фахруддин “Аҳли аёл” китобида ёзади: “Одам боласининг баҳоси, қадру ҳурмати ахлоқига қараб билинур. Гўзал ахлоқли кимсалар энг мўътабар бўлиб, ахлоқсизлар эса халқ қошида қадрсиз бўлурлар. Одам

боласининг ёш чоғида ўрганган одобни қабрига қадар бирга йўлдош бўлиб борадур. Шунинг учун гўзал ахлоқни ёш вақтида ўргатиш керак. Гўзал ахлоқ ҳар бир киши учун ҳам зарур, бироқ қизлар учун кўпроқ зарурдир. Ахлоқсиз қизлар халқ орасида яхши исм чиқара олмаслар, эътиборлари ҳам бўлмас. Гўзал хулқларнинг онаси ҳаё ила ифбатдир. Бир қизда агар ҳаё ила ифбат бўлса, унда барча яхши хулқлар жам бўлади Абдуллоҳ Ибн Умар разияллоху анхумодан ривоят қилинади – Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам ансорий бир киши олдидан ўтаётгандилар, у ансорий биродарига уялишдан қайтариб насиҳат қилиб турган эди. (яъни жуда қаттиқ ҳаёли бўлма! Ўзингга қийин бўлади, деб). Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам “Бунни ўз ҳолига қўйгин. Чунки ҳаё иймондандир”, дедилар. (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари) (“Риёзус солиҳин”) Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху): "Аввал одоб, сўнг таълим беринглар", дедилар.

Абу Абдуллоҳ Балхий: "Нафснинг одобни илмнинг одобидан кўпроқ, илмнинг одобни илмнинг ўзидан каттароқ" деганлар.Абдуллоҳ ибн Муборак айтадилар: "Агар менга, бир кишида аввалгилару охиригиларнинг илми бор, деб сифатлашса-ю, унда одоб бўлмаса, у билан учрашмаганимга афсусланмайман, агар бир киши ҳақида нафс одобни бор деб эшитсам, унга йўлиқишни орзу қиламан, учрашмасам афсусланаман". (“Бўстонул орифин” .Абу Лайс Самарқандий) деб таъриф берганлар .

Кафедра мудир:

Абдуллаев А.А

Маънавий ва маърифат ишларига маъсул :

Казоқов Р.Т